# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПОРТИ

*Оммавийлик шиори остида*

## «СУҒДИЁНА» КОНЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

***Навоий тоғ-металлургия комбинатида турли миллат вакиллари ҳамжиҳат меҳнат қиладилар. Цехларни айланиб, ишчи-хизматчилар фаолиятига назар ташласангиз, улардаги кўтаринкилик, иштиёқ ҳамда ўзаро самимий муносабат эътиборингизни тортади.***

Ҳар бир ишловчи қадрдон жамоаси билан фахрланади. Ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг омиллари ҳақида гап борганда, албатта, жисмоний тарбия ва спорт тилга олинади.

Комбинатнинг «Суғдиёна» жисмоний тарбия спорт клуби ишдан сўнг ҳамиша одамлар билан гавжум. Мавжуд тўгаракларда ҳаёт қайнайди. Биз асосий эътиборни ишчи-хизматчилар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратганмиз. Машғулотларни юқори малакали мутахассислар олиб борадилар. «Алпомиш», «Барчиной» каби спорт ўйинларининг оммавий тус олаётгани барчани қувонтирмоқда. Сўнгги йилларда комбинат обрўсига обрў қўшаётган спортчилар етишиб чиқди. Н.Малюгина, А.Раҳмонқулов, З.Козлан, Р.Носиров каби истеъдод соҳиблари республика ва Осиё мусобақаларида муваффақиятли иштирок этдилар.

Ҳозирча бизда 8 халқаро тоифадаги спорт устаси, 3 нафар спорт устаси етишиб чиқди. Хотин-қизларимиз ўртасида айниқса баскетболга қизиқиш кучли.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фахримиз. Бу ерда спортнинг 7 тури бўйича машғулотлар олиб борилади. Ёшларимиз бокс, грек-рим кураши, футбол, сузиш, бадиий гимнастика каби спорт турларини жуда ёқтиришади. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, комбинатимиз йигит ва қизлари орасидан номдор спортчилар етишиб чиқмоқда. Энг муҳими, уларда Ватанга, қадрдон жамоага садоқат руҳини мустаҳкам қарор топтирмоқдамиз. Ҳозирги кунда гимнастикачи Анастасия Брестецкая, боксчилар Азиз Улуғов, Сулаймон Рамазонов, Темур Машарипов, сув спорти устаси Вера Суховиловалар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**В.ПЕТРОВ,**
**Навоий тоғ-металлургия комбинатининг «Суғдиёна» спорт клуби раҳбари.**



*Грек-рим кураши*

## ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОСОНМАС



***Мусобақаларда муваффақиятли қатнашиш ҳар бир жамоа аъзосидан кучли ирода, қатъиятликни талаб қилади. Бунга мисоллар кўп. Баъзида катта умид билдирилган, энг кучли, маҳоратли спортчи ҳам эътиборсизлик оқибатида якунловчи босқичга етиб боролмаслиги мумкин.***

Менинг омадим бор экан, фидойи устозга йўлиқдим. Ҳар бир мусобақага жиддий тайёргарлик кўриш, фақат ғалаба учун курашиш, ҳар қандай номдор рақиб олдида эсанкирамаслик каби хислатларни мен моҳир мураббий В.Егоровдан олганман. Вақти келса унинг қаттиққўллиги, вазиятни тўғри баҳолай билиши ва қимматли маслаҳатлари бизни кўп бор мушкул вазиятлардан олиб чиқиб кетган. Фаолиятим мобайнида чемпион бўлиш осонмаслигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим. 1990 йилда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган шаҳар, кейинчалик республика турнирида илк бор ғалаба нашидасини суриш насиб этди. Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинганимда, кўнглимдан кечган ғурурли лаҳзалар то ҳануз ёдимда. Энди зиммамдаги масъулият ортган эди-да! Ахир, мустақил Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта бахт.

Мураббийларимнинг ўгитлари ва ўзимнинг саъй-ҳаракатларим зое кетмади. Турли халқаро мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб бордим. Бултур эса жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллаш насиб этди. Мен касаба уюшмалари спорт мактабидан чиққанлигим, кўпнинг олқишига сазовор бўлаётган иқтидорли дўстларим билан фахрланаман.

**Дилшод ОРИПОВ,**
**республика терма жамоаси аъзоси.**

*Ибрат*

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳам меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Тармоқ тасарруфидаги 8 та ўйингоҳ, 15 та спорт зали, 15 та сув

## ИШДАН СЎНГ ЎЙИНГОҲГА

ҳавзаси, 161 та майдончалар меҳнаткашларни соғломлаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили спортнинг бир қанча турлари бўйича спартакиадалар ўтказиб келинмоқда. «Нурчи» спорт клуби мутасаддилари ҳар бир тадбирни намунали ўтказишга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Мақсадга эришишда ишлаб чиқилган алоҳида дастур муҳим ўрин эгалламоқда. Айниқса, «Ўзбекнефтгаз», «Кўмир» акционерлик жамиятларида оммавийликка катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳар бир спорт тадбирига алоҳида тайёргарлик кўрилиши боис уюшқоқлик билан, байрамона кайфиятда ўтказилади. Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланадилар. Қувончлиси шуки, сўнгги йилларда маҳоратли спортчилар сони ҳам сезиларли даражада ортди. Уларнинг айримлари республика ва халқаро миқёсдаги беллашувларда муваффақиятли иштирок этишмоқда.

**А.ИНОМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## ЁШЛИК ШИЖОАТИ

*Енгил атлетика*

***Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Баъзан энг тажрибали, башоратлари ҳамиша ўзини оқлаган мураббий ҳам кунларнинг бирида аттанг деб қолиши мумкин. Мен бу ўринда залнидa тўлдириб машқ қилаётган ёшлардан энг қобилиятли, иқтидорлиларини танлай билиш, уларни ғалаба онларига етказишни назарда тутяпман.***

Олег Норматовни бир кўришдаёқ ўзимга яқин олдим. Ҳаракатлари, ўзига талабчанлиги, ғалабага ишончи уни бошқалардан ажратиб турарди. Югуриш майдончасига қачон келсам, кўпинча у машқ қилаётган бўларди. Яна бир фазилати — танқиддан тўғри хулоса чиқарарди. Камтарга камол, деганларидек, Олег кўз ўнгимизда камолга етди. Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақага кетиш олдидан кайфияти билан қизиқдим.

— Ташвишланманг, албатта, юқори натижага эришаман, - деди Норматов қатъий оҳангда.

У сўзининг устидан чиқиб, мусобақа ғолиби бўлди. Шу тариқа ютуқларни кўпайтира борди. Ўтган йили иқтидорли енгил атлетикачига «Ўзбекистон Республикаси спорт устаси» унвони берилди. Мана, қатор йиллардан буён Олег Норматов мамлакат терма жамоасининг энг иқтидорли, умидли спортчиларидан бири ҳисобланади. Барчамиз шогирдимизнинг 2004 йилда ўтадиган олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига катта умид боғламоқдамиз.

**В.ТЯПУГИН,**
**мураббий.**

## ШОҲСУПАГА ЙЎЛ

*Бокс*

Ҳақиқий боксчи бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Дастлаб рингга чиққанимда, анча қийин бўлди. Баъзилар мендан яхши боксчи чиқишига ишонишмади. Бироқ, иштиёқ зўр эди. Иродани қўлга олиб, тинимсиз машқ қилдим. Баъзан «калтак» зарбидан юз-кўзимдаги ўзгаришни кўриб, айрим яқинларим мени йўлдан қайтармоқчи бўлишгани ҳам эсимда. Бироқ, мураббийлар, дўстларим руҳимни кўтариб, қанот бахш этишди.

Назаримда, ўзимга бўлган ишонч, зўр иштиёқ ютуқларимнинг асосий омили бўлди, десам янглишмайман. 1997-98 йиллари республика ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда қўлим баланд келди. 1998 йили эса турнир ғолиби бўлдим. Шундан сўнг, республика терма жамоасининг аъзоси сифатида ҳаракат қилдим. Ҳар ҳолда уялтириб қўйганим йўқ. Бирин-кетин фахрли ўринлар қўлга киритилди. Айниқса, бултур Олмонияда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, чемпион бўлганлигим ишончимни янада орттирди.

Юқорида таъкидлаганимдек, ҳар бир ғалабанинг ортида машаққатли саъй-ҳаракатлар ётади. Мен мустақил Ўзбекистон фуқароси сифатида юртимизда бошқа спорт турлари қатори бокс ҳам жадал ривожланиб бораётганидан фахрланаман. Мамлакатимиз байроғини нуфузли турнирларда баланд кўтариш учун барча имкониятни ишга соламан.

**Бекзод ХИДИРОВ,**
**спорт устаси.**

*Байдарка ва каноэ*

Эзгу ниятлар билан дастлабки машғулотларни бошлаган ўсмирлар орасидан иқтидорли ёшларни танлай билиш, уларни тарбиялаш, маҳоратини ой сайин ўстириб бориш

## МУРАББИЙГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

мураббийнинг иқтидори, таъбир жоиз бўлса, фидойилигига боғлиқ деб ўйлайман. Ҳаяжон ила фарғоналик таниқли мураббий В.Йўлдошев ҳузурига борганимда, у бир сония менга синчков назар ташлади. Сўнг, йўл-йўриқ, маслаҳатлар берди. Ойлар мобайнида мени назаридан қочирмади. Ўрни келганида қаттиққўллик қилиб, ҳар бир машғулотни иштиёқ ва масъулият ила ўтказишга ўргатди. Вақт ўтиши билан байдарка ва каноэда сузиш бўйича маҳоратлилар қаторидан ўрин олдим. 1997 йили 13-Осиё ўйинларида кумуш медал соҳиби бўлдим. 2000 йилда эса Сидней олимпиадасида иштирок этиш насиб этди. Бу олимпиада мен учун маҳорат мактаби бўлди.

Мухлислар ишончини озми-кўпми оқлаётганимдан хурсандман. Халқаро тоифадаги спорт устаси бўлганимда, мен учун энг азиз инсон, мураббий В.Йўлдошев кўпроқ қувонганлигини кўриб, кўзларимда ёш қалқиди. Ҳозирги кунда шу йил бўлиб ўтадиган Осиё ва жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўряпман.

**Антон РЯХОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси.**






## ҲОРАЗМЛИКЛАР БЎШ КЕЛИШМАЙДИ

***Хоразм вилоятида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммалаштириш, спорт мажмуалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улардан унумли фойдаланишга жиддий эътибор беріляпти.***

Мамлакатимиз шимолий минтақасида жойлашган қадимий Хоразм Шайх Паҳлавон Маҳмуд Пурёривалидек ҳам маънавият, ҳам жисмоний куч-қудрат бобида довруғ қозонган буюк инсонлар диёри. Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти аҳоли ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бокс, самбо, миллий кураш бўйича терма жамоаларининг Ўзбекистон спартакиадасида яхши натижаларга эришиб келаётгани ҳам бежиз эмас.

Мана ўн йилдирки, вилоят спорт қўмитаси ва кураш федерацияси билан ҳамкорликда миллий кураш бўйича телевизон фестивал ўтказиб келинади. Урганчдаги марказий «Олимпия», Хивадаги «Хива ўйингоҳлари», туман марказларидаги спорт иншоотлари таъмирланиб, юқори табақадаги ўйинлар ўтказиладиган масканларга айлантирилди.

— Айни пайтда сафларимизда шуғулланаётган 14179 киши 340 та жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клубларига бирлашган, - дейди касаба уюшмалари жисмоний тарбия спорт жамияти раиси Комилжон Ибрагимов.

Спорт секциялари ва бўлимларида 6 мингдан зиёд, соғломлаштириш гуруҳларида 4 минг киши шуғулланяпти. Жамият аъзолари 81461 нафарни ташкил этади, улардан 28500 нафари хотин-қизлардир. Ёшларга 56 йўриқчи ва услубиётчи, 41 та мураббий машғулот ўтказмоқда.

Ҳар бир туманда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви тузилган. Мавжуд 4 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 55 нафар мураббий иш олиб бораяпти. Спорт мактабларига 2556 талаба жалб қилинган. Уларга миллий кураш, бокс, самбо, дзюдо, велоспорт, футбол, волейбол, эркин кураш, оғир атлетика каби турлар бўйича сабоқ берилмоқда.

Жамиятнинг тақвим режасига кўра хотин-қизлар, ногиронлар спартакиадалари, шунингдек, маҳаллалар ўртасида футбол, кураш ойлиги, тармоқлараро мусобақалар ўтказиш анъана тусини олган.

Айниқса, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси томонидан оммавий спорт тадбирлари тез-тез уюштирилмоқда. Шунинг учун ҳам улар республика соғлиқни сақлаш ходимлари спартакиадасида фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Республика миқёсидаги мусобақаларда эришилаётган натижалар воҳада спортнинг ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчиси Шуҳрат Рўзметов бокс бўйича ёшлар ўртасида 3 марта мамлакат чемпиони бўлди ва Олмония, Россия давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда ғолибликни эгаллади. Шерзод Абдураҳмоновга мамлакат ўқувчилар спартакиадасида учинчи ўрин насиб этди.

Спортнинг самбо туридан жаҳон биринчилиги совриндори Тоҳир Бобожонов, Осиё чемпионатида фахрли учинчи ўринга сазовор бўлган Абдулла Абдуллаев, Польшада ўтказилган армрестлинг спорт турида учинчи ўринни қўлга киритган Жасур Алиакберов, Тверь биринчилиги ғолиби Умид Бекжонов, оғир атлетика бўйича Осиё турнири ғолиби Улуғбек

*Анъана давом этади*

Маҳмудовларнинг номи мухлисларга яхши таниш.

Ўтган бир йил мобайнида 2 та спорт устаси, 7 та спорт усталигига номзод, 1000 дан ортиқ разрядли спортчилар тайёрланди.

Шунинг билан бирга спортнинг оммавий турларини ривожлантириш, спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларда шуғулланувчилар сонини кўпайтириш бўйича ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Қишлоқларда спорт анжомлари сотиб олиш учун етарли маблағ ажратилмаган. Айниқса, Гурлан, Қўшкўпир, Шовот, Янгиариқ, Ҳазорасп туманлари жамоа ширкат хўжаликлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактабларида спорт билан шуғулланувчилар сонини кўпайтириш керак.

Касаба уюшмалари кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти 2002 йилда спортнинг оммавий турларини юксалтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш дастурини ишлаб чиқди.

**Р.АЛЕКПЕРОВА,**
**ишчи.**

*Бугунги кунда республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви таркибидаги 5770 дан ортиқ жисмоний тарбия жамоалари ҳамда соғломлаштириш гуруҳлари ўз атрофига 2 миллионга яқин кишини бирлаштирган. Улар ихтиёрига 8 мингдан зиёд спорт иншоотлари бериб қўйилган.*

*Қувончлиси шуки, мустақиллик йилларида яъни 10 йил мобайнида касаба уюшма спорти 137 нафар халқаро тоифадаги, 1153 нафар спорт усталарини, ярим миллиондан кўп оммавий разрядли спортчиларни тайёрлаб берди.*

*Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятларига қарашли 100 дан ортиқ БЎСМ фаолият кўрсатмоқда. Улардан 30 таси қишлоқ жойларидадир. Мавжуд спорт мактабларида 2 минг нафарга яқин мураббий етакчилигида 32 минг 29 йигит ва қиз спортнинг 44 тури билан шуғулланмоқда.*

**М.ИЛЁСОВ.**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ:

# «МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА ТАВСИЯНОМА

## Иш берувчининг мажбурияти

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ўтказиш учун иш берувчи 20____йилга__________минг(миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олади, уларни ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиқади:

цех(бўлим, ишлаб чиқариш)____________минг(миллион) сўм ва ҳ..........

Маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:

Иш берувчидан ______________________________

Касаба уюшма қўмитасидан______________________________

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (уларни амалга оширишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) жамоа шартномасига илова қилинади

2. Ҳар бир жойга мослаб иш шароити тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак. Иш шароити тартиб қоидалари ________ йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг ______фоизини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиши муносабати, ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятини олади.

3. Ходимнинг иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларнинг ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАҚ). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира қўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхонани қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак)

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

— сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена норма ва қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

— белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20___ йилнинг _________гача топшириш мажбуриятини олади.

12_____сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал ўрнига янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминланиши керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар — чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона ҳудуди ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг оралиқлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўйилмаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўз иши билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

— иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);

— хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;

— ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;

— меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;

— корхона (структуравий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;

— ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этилмаслик;

— ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишлар ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;

— цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этиш керак.

## Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус уст-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

## Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса, иш берувчининг позициясига қарши ўлароқ, касаба уюшмаси органининг иш шароитининг ходимлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг структуравий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг________ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тақдирланишга цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлиғига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ унга қуйидагича ҳақ тўлайди:

— шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоида кўзда тутилганга нистабан_________ фоиз кўп миқдорда бир марта тўланадиган нафақа;

— қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда ______фоиздан ________фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

— меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлайди, шунингдек диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

— иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастлангани натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

*Илова №________*

### Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона, муассаса, ташкилот ва ҳоказо

| № | Тадбирлар (ишлар мазмуни) | Ҳисоботга олиш бирлиги | Миқдори | Ишлар қиймати (минг сўм ҳисобида) | Тадбирларнинг бажарилиш муддати | Ижро учун масъул | Кутилган ижтимоий самара | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Меҳнат шароити яхшиланиши керак бўлган ишловчилар | Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар сони |
| | | | | | | | Жами, шу жумладан хотин-қизлар | Жами, шу жумладан хотин-қизлар |
| | | | | | | | | |

1.
2.
3.
4.
5.

Корхона раҳбари

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

*Илова №________*

### Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Берилиши керак бўлган махсус уст-бош. Махсус пойабзал ва махсус ҳимоя воситаларининг турлари | Ой ҳисобида кийилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

1.
2.
3.
4.

*Илова №________*

### Касблар ва лавозимлар рўйхати. Қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити зарарли ишлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.
2.
3.

*Илова №________*

### Касблар ва лавозимлар рўйхати. Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Овқатланиш рациони |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.
2.
3.

*Илова №________*

### Касблар ва лавозимлар рўйхати. Иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи |
|---|---|---|
| | | |

1.
2.
3.
4.

# МИНОРЛИК КУЛОЛЛАР



Кулолчилик — ўзига хос санъат. У миллий ҳунармандчиликнинг бир йўналишидир. Қувончлиси, ана шу меросни қадрлаб, эъзозлаб давом эттираётган издошлар бугунги кунда талайгина. Айниқса, бу борада риштонлик кулолларнинг хизмати беқиёсдир.

Кулолчиликда риштонликлар катта мактаб яратган. Негаки, улар яратаётган буюмлар бошқаларникидан ажралиб туради. Бироқ улар бирорта ортиқча детал ишлатмайдилар. Бўёқлар қадимги каби тоғ ўсимликлари қайнатмасидан олинади.



Минорлик уста кулол Музаффар Саидовни туман аҳли яхши билишади. Ўтган ўттиз йиллик муддат уни ўз ҳунарининг билимдонига айлантирди. Буюмлар ясаётган кулол бутун вужуди билан ишга шўнғийдики, гўё уларда юрагининг бир бўлаги қорилгандек. Бир-биридан зеҳнли шогирдларини айтмайсизми! Ота касбига меҳр қўйган Умиджоннинг қизиқиши эса Музаффар акага бир олам қувонч бахш этмоқда.

Айни чоғда Музаффар Саидов тинмай изланмоқда. Унинг ўз уйида устахонаси ва музейи бор. Зеро, муқаддас меросни асраб-авайлаган инсоннинг насибаси ҳамиша бутун, турмуши фаровон бўлади. Буни эса кулол Музаффар ака қалбан ҳис этади.

**Суратларда: уста Музаффар Саидов шогирди Маҳмуд Азизов билан иш пайтида; ёш кулол Умиджон Саидов отасининг изидан бормоқда.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## «JO KEY» КЛУБИНИНГ КЕЛАЖАГИ

Тошкент вилоятида, яъни пойтахт яқинида жойлашган "Jo key" от спорти клуби 10 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўсмирларни от спорти машғулотларига таклиф қилади. Клуб директори Абдулҳай Файзиев журналистлар билан бўлган учрашувда бу ҳақда маълум қилди.

А.Файзиев клубнинг бир ярим йил аввал ташкил бўлганини гапира туриб, ўзининг отаси, барча оила аъзолари азалдан отларга ишқибоз эканлигини, улоқ - кўпкари чопиш билан шуғулланиб келганини таъкидлади.

Тошкент от заводи инқирозга юз тутган бир пайтда молиявий имконият туғилиб, от спорти клубини очдик, деди А.Файзиев . Ҳозир клубда 35та наслдор отлар, жумладан асл инглиз отлари, қорабайирлар, ахалтака, Орлов тулпорлари ва бошқа зотдор отлар мавжуд. Яқинда отхонада тўртта тойчоқнинг туғилганлиги катта ва жиддий ишга қўл урилганлигидан далолат беради.

От спорти клуби нафақат ўз спортчиларнинг муваффақиятга эришишлари, балки умуман республика от спортини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Айнан шунинг учун ҳам клубга ўсмирлар қабул қилинган. Олти ой давомида машғулотларга қатнашиш чиптасини сотиб олган ўқувчиларга ADIDAS фирмасининг Тошкентдаги масъул ходими томонидан бепул спорт кийимлари берилади.

**"Туркистон-пресс"**

*Асли дунё меҳрдан яралган*

# НУРЛИ ХОНАДОН

У ҳам бошқалардек ёш, соғлом ва бақувват, демакки бахтиёр эди. Меҳнат қилиб чарчамасди. Абжиру чаққон ҳайдовчи эди у. Ҳурмату эътибор ҳам, юмушлар ҳам шунга яраша, осон эмасди. Хасталик нима, кўнгли яримлик нима билмас эди. Токи бу дард бошга тушмагунча. Рафиқаси Зуҳрахон билан икки ўғил ва икки қизни вояга етказиб, олий маълумотли қилишди. Эл қатори яшаяпти, нолийдиган жойи йўқ.

Бироқ, Иброҳимжон негадир кейинги пайтларда ўзини нохуш сезарди. Кундан кунга мадор кетиб борар, илгари зумда уддалайдиган ишлар ундан кўп куч-қувват, вақт талаб қиларди. Аммо бу ҳолатга унча эътибор беравермади. Кунларнинг бирида вужудини ваҳима қамраб, кўз олди қоронғулашди. Дўхтирларга мурожаат қилди. Қандли диабет. Дардини ўтказиб юборган экан, даволаш кор қилмади. Касаллик асоратида бора-бора кўзи кўрмай қолди. Бахтига Зуҳраси бор. Меҳрибон рафиқаси ҳамиша атрофида гирдикапалак. «Дадаси, кўнглингиз қандай овқат тусаяпти», «Очиқ ҳавода айлантириб келайми», «Телевизор қўйиб берайми — ахборотларни эшитиб ўтирасиз» дея кўзларига ёруғ дунёларни кўрсатгандай бўлади. Иброҳимжоннинг кўнгли равшан тортсин деб хотини ҳаммаёқни тоза тутади. Дераза ёнида гуллар қишин-ёзин яшнаб туради. Зуҳраси биладики, бу гулларни хўжайини яхши кўради. Балки гулларни илғаригидай ёрқин рангларда кўролмас, бироқ яшил япроқчаларни, нафис гулғунчаларни ҳис этади, ўзига хос бўйидан яйраб нафас олади. Аёл шунга қувонади, шукр қилади. Турмуш ўртоғининг баҳри-дили очилганидан ҳузурланади.

Учкўприкдаги Абдуллаевлар хонадонида бўлганимизда жуда кўп ҳаёт ҳикматларини anglagандек бўлдик. Зуҳранинг меҳр-муҳаббатидан, садоқатидан гўё хонадон обод ва гўзал бўлиб, кўнгли ярим оила соҳибининг кўзларига нур ингандек.

Қани энди тўрт мучаси соғу, лекин вафо, садоқат неъматидан бебаҳра, ўй-ҳаёли фақат бойлик-давлат тўплашдан иборат кишилар ана шу ғарибгина хонадонга бош суқсалар бу дунёнинг фонийлигини ҳис қилиб, меҳр-саховатнинг бебаҳолигига иймон келтиришарди. Зеро, бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил, дейдилар-ку.

## «ОЛТИН БОШИНГИЗ ОМОН БЎЛСИН, ЯХШИЛАР»

Учкўприкда яна бир хонадон соҳибалари билан танишдик. Улар Тиллонисо буви ҳамда унинг қизи — Муҳаббатхон. Бувига куч-қувват ато этган нарса — оналик меҳру муҳаббати, биринчи гуруҳ ногирони бўлган қизининг тақдири.

... Тиллонисо бувининг бошидан кўп иссиқ-совуқ кунлар ўтди. Ҳаёт уни аямади. Йўқотишлар, айрилиқлар... аввал эри, кейин ўғли бу дунёнинг кўргиликларига қўл силтаб кетавердилар. У барча аламлару кулфатларга аччиқма-аччиқ яшашга кўникди. Ўзига яратгандан фақат сабру бардош тилади. Иродасини маҳкам тутди. Турмуш ўртоғидан жуда ёш қолиб, ҳам ота, ҳам она бўлиб, фарзандларини қаторга қўшган. Энди барини уйладим-жойладим, ташвишлардан нари бўлдим, деганда, элликка кирган ўғли бандаликни бажо келтирди. Тўсатдан юрак хуружи тутдию онаизорини қақшатиб кетди. Ғам келса қўша-қўша келади, деганларидек, тақдир унинг бардошини яна синовга олди. Қизи туғруқхонадан бир қўли, бир оёғи ишламайдиган бўлиб чиқди. Кимга додини айтиб, кимга йиғласин. Эҳтимолки, ҳомиладорлигидан олдин қизини даволатганда бошига бу ташвишлар тушмасмиди? Ким билади дейсиз. Буларнинг бари камдек яна бир фалокат ёпирилиб келди. Куёви йўл ҳодисасидан қаттиқ жароҳатланиб ҳаётдан кўз юмди. Онаизорнинг Яратгандан ўзига сабру бардош, қизига шифо тилаб яшашдан ўзга чораси қолмади. «Менга бир нарса бўлса, қизим нима қилади» — ана шу ҳадик-хавотир уни бардам-бақувват яшашга, елиб-югуриб меҳнат қилишга даъват этди.

— Яхшилар кўп — эшикдан йўқлаб келишса кўнглим ёришиб кетади, — дейди онахон ташрифимиздан астойдил севинганини яширолмай. — Вақти келса икки оғиз сўз ҳам далда. Раҳмат. Олтин бошларингиз омон бўлсин. Мана «Телеком» деган ташкилот бор экан. Бепул телефон ўрнатиб беришди. Уларни ҳам кун бўйи алқайман. Олганлари олтин бўлсин. Яхшиларни Оллоҳнинг ўзи бало-қазолардан асрасин, дейман...

Бизлар ҳам ўз навбатида Тиллобуви Раҳимовдек меҳри дарё онахоннинг дуосини олган, ширин каломи, хайри инъоми билан йўқлаганларнинг иши бароридан келсин, дея тилак билдирдик. Лоақал ширин лутфи-суҳанимиз билан бўлсада, саховат отли карамимизни муҳтожлардан аямайлик...

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**
**Фарғона вилояти.**

*Фан*

***2010 йилгача бўлган даврда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг илмий асосланган миллий давлат дастури ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Қуёш сув кўтаргич қурилмаларидан қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида муваффақиятли фойдаланилмоқда. Ҳажмий иссиқлик қабул қилувчи қуёш сув кўтаргич қурилмаси ҳам яратилди.***

# ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ

## хорижлик буюртмачиларни ҳам қизиқтириб қўйди

«Кам қувватли қуёш электр манбаи» мавзуси бўйича олиб борилган техник изланишлар мамлакатимиз энергетика тизимига татбиқ қилинди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа янгиликлар юқорида айтиб ўтилган миллий давлат дастури доирасида амалга оширилган илмий ишлар натижаси ўлароқ юзага келди. Бунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институти олимларининг хизмати катта бўлди.

Мазкур тадқиқот даргоҳи ўз илмий фаолиятининг асосий қисмини қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш масалаларига қаратмоқда.

— Паст ҳароратли қурилмаларда қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириш ҳамда ундан амалиётда фойдаланиш борасида эришаётган ютуқларимиз чакки эмас, - дейди институт директори Саъдулла Лутфуллаев. - Қуёш иситгичларида иссиқлик ташувчи муҳит оқимининг муқобил қийматлари белгилаб берилди.

Нисбатан юқори ҳарорат ҳосил қилишга мўлжалланган, жамланган, яъни қуюқлаштирилган қуёш нурлари ёрдамида ишловчи иситгичларнинг оптик ва энергетик кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, унинг техник ечимлари ишлаб чиқилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари нурхоналарга татбиқ қилинди.

Тошкент ГРЭСи учун махсус тайёрланган «Баланд трубаларни ёритишни бошқаришни автоматлаштириш» қурилмаси фойдаланишга топширилди.

Кучланиш трансформаторлари учун яратилган мослама эса ҳозирда Навоий ГРЭСида қўлланилмоқда. Шунингдек, бу нурхонага ҳароратни назорат қилувчи қурилма ўрнатилди.

Олимларимиз хўжалик шартномаси бўйича ҳам кўп янгиликлар яратдилар. Чунончи, «Супромед» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси буюртмаси ҳам адо этилиб, «Сунъий ёруғлик манбаига асосланган тиббий нурлантиргич»нинг тажриба-намуна нусхаси яратилди. Олимларимиз ишлаб чиққан «Калифорния қуртларини қуритувчи электрокалифорли камера» деган қурилма эса «Минитек» фирмаси буюртмаси асосида юзага келди.

Институтда юқори энергиялар физикаси ва космик нурлар бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳам самарали бўлмоқда. Эришилаётган бу каби ютуқлар истиқлол туфайлидир. Бинобарин, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланиб Ўзбекистон Фанлар Академияси ўтказган республика илмий-амалий конференциясида физика-техника институтининг жўшқин фаолиятига юқори баҳо берилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Умид ғунчалари*

***Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ёш рассомларининг ҳисобот кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмага «Мен юртимни куйлайман», «Юртим гўзаллиги», «Она Ватан манзараси» мавзуларида яратилган юздан ортиқ асар қўйилди. Уларнинг муаллифлари халқаро болалар ижодиёти танлов ва кўргазмаларининг ғолиб ҳамда совриндорларидир.***

# РАСМЛАРДА ЮРТ ГЎЗАЛЛИГИ

Бадиий академия ташкил этилиши билан республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ҳам унинг тизимига киритилди. Умумтаълим, рассомлик, мусиқа бўлимларида олти юздан ортиқ иқтидорли ёш таҳсил олаётган билим масканининг моддий-техникавий негизи мустаҳкамланди. Буни ўтган беш йил ичида ўттизга яқин ўқувчи хорижий мамлакатларда ўтказилган болалар ижодиёти халқаро танлов ва кўргазмаларининг лауреати бўлганидан ҳам билса бўлади. Улар орасида Нурхон Зиёхонова, Ойбек Исломов, Нигора Мирсолиҳова, Иномжон Мамажонов каби Япония, Ҳиндистон, Миср Араб республикаси, Чехия, Швейцарияда ўтказилган халқаро болалар расмлари танловларининг олтин ва кумуш медал совриндорлари, дипломлари соҳиблари бор. Бир қанча ёшлар республика миқёсида ўтказилган танловларнинг ғолиби сифатида олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинди.

Аслида, тасвирий ва амалий санъат лицейида эришилаётган ютуқлар, қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг барчаси юртимизда Бадиий академия ташкил топиши билан боғлиқ. Шу боис, унинг иқтидорли ўқувчилари ўзларининг ҳисобот кўргазмаларини Президентимизнинг Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинганининг беш йиллигига бағишлади.

**(ЎзА).**

*Жасорат*

# ДОВЮРАК ЙИГИТ

***Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасига ички ишлар тезкор қисмидан қўнғироқ қилишди. Унда айтилишича, кўп қаватли бинонинг энг юқори қисмида тергов органлари томонидан қидирилаётган ашаддий жиноятчи яширинган бўлиб, уни қўлга олишда қутқарувчилардан ёрдам сўралган эди.***

Баҳром Нажмиддинов бошчилигида навбатчи қутқарувчилар гуруҳи тезда айтилган жойга етиб келди. Нима қилиш керак? Вақт зиқ. Жиноятчи қуролланган бўлиши табиий. Бундай хавфли вазиятларнинг ҳадисини олган Баҳромжон ташаббусни ўз қўлига олди. У ошхона деразаси очиқлигига ишонч ҳосил қилгач, у ерга бино тепасидан арқонга осилиб тушишга аҳд қилди. Ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, хона ичига кирган Баҳром жиноятчининг хона тепасидан ўтган қувурга ўзини арқон билан осганлигини кўрди. У зудлик билан арқонни кесиб юборди.

Орадан кўп ўтмай жиноятчи ўзига келди. Довюрак йигит Баҳром Нажмиддиновнинг тадбиркорлиги туфайли кўпдан бери ички ишлар бўлими ходимларига чап бериб юрган «қочоқ» ушланди.

Бундай воқеалар Баҳромжоннинг ҳаётида жуда кўп содир бўлган. Унинг бевосита довюраклиги билан шу кунгача ўнлаб хонадон аҳлларининг ҳаёти сақлаб қолинди, қанча талофатлар келтириши мумкин бўлган ёнғинларнинг олди олинди. Лифтда қамалиб қолиб, юрак хуружига учраган ўнлаб кишилар унга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Айтиш жоизки, бошқарма шахсий таркиби фуқаро муҳофазасига оид қонунлар ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида бор куч ва имкониятларини ишга соляптилар. Ходимлар етарли миқдорда техника воситалари ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бу эса хавфли вазиятлари олдини олиш, ночор аҳволда қолганларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаяпти.

— Баҳромжондек ўз касбига меҳр қўйган, жасур ва довюрак йигитларимиз анчагина, - дейди шаҳар фавқулодда вазиятлар Бошқармасининг бошлиғи, полковник Эргаш Икромов. — Қутқарувчилар ҳар қандай чақирувга доимо шай бўлиб турибдилар. Улар фавқулодда ҳолат юз берган жойларда фаол ҳаракат қилиш билан бирга жойларда профилактика, тушунтириш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Зобитлар Аваз Маткаримов, Алишер Мирпўлатов, Валерий Бобрик, қутқарувчилар Қобил Шоакромов, Раҳматилла Ортиқалиев, Мамад Таштанов, Жаҳонгир Абдуллаев, Ҳасан Воҳидов, Альберт Майнусов сингари фидойи ходимларимиз номига шаҳримиз аҳолисидан миннатдорчилик хатлари келиб турибди. Биз улар билан ҳақли суратда фахрланамиз.

Лавҳамиз қаҳрамони Баҳромжон Нажмиддинов ҳозир 24 ёшда. Тошкент шаҳрида туғилган. Ёшлигидан спортга қизиқади. Каратэ ва бокс билан шуғулланади. У ўзининг чаққонлиги ва довюраклиги билан ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

Баҳромжон техник воситалар ва турли асбоб-ускуналардан фойдаланишни жуда яхши билади. Энг муҳими, қутқарувчи учун керакли бўлган барча фазилатлар унда мужассам. Кутилмаган вазиятлардан тўғри хулоса чиқариши ва тезкор қарор қабул қилиши унга хос жиҳатлардан.

— Ҳар бир чақирувга отланар эканман, кўз олдимда кўзлари жовдираб биздан нажот кутиб турган ўнлаб нигоҳлар ўтади, - дейди Баҳромжон. — Бундай инсонларга мадад бўлмоқ эса икки дунё савобига тенгдир.

**Ў.САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар Бошқармасининг матбуот котиби.**

*Қилмиш-қидирмиш*

***Қиш тунларининг бирида Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи икки нафар ҳамтовоқ - М.Камолов ва Р.Ҳайитбоев шу ерлик фермер И.Ғаниевнинг оғилхонасига кириб, бир ёшли бузоғини олиб кетишди.***

# ЧОРШАНБАГА ЎТАР КЕЧАСИ

Уларнинг тузган режаси оддий эди. Эгаси молининг йўқолганини пайқамасдан олдин, ҳамтовоқлар ҳар якшанба куни тонгда бўладиган туман марказидаги мол бозорида бузоқни арзон нархда пуллаб, мўмайгина маблағга эга бўлмоқчи эдилар. Бироқ, уларнинг бу режаси пучга чиқди.

Янгибозор тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори Ш.Қурбонбоев икки нафар йигит йўл ёқасида бўйнига ип боғланган ўжар бузоқчани судраб кетаётганига эътибор берди. Ҳақиқий деҳқонлар чорва молига бундай муносабатда бўлмайди. Милиция капитани уларнинг алдашга уриниши, сўнгра қаршилик кўрсатишига қарамай, ўғриларни ушлаб, «ўлжаси» билан бирга туман ички ишлар бўлимига олиб келди. Бу ерда уларнинг барча кирдикорлари фош бўлди ва эртаси куни Р.Ҳайитбоев ҳамда М.Камоловга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддасига биноан айб қўйилди.

Вилоят ИИБ матбуот хизматининг хабар беришича, чорва молларини ўғирлаш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бироқ, одатда ушбу ўғирликларнинг кўпчилиги тезкорлик билан фош қилинади ва моллар эгаларига қайтарилади, жиноятчилар эса қонун олдида жавоб берадилар. Зеро, халқимизда: «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деган нақл бор.

**(ЎзА).**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73, Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6